



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 3

между Бухоро вилоят "Сувокова" ДУК и Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 10000000,00

Глава

054

Казначейский лицевой счёт

100022860062077073101054001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	10 000 000,00			10 000 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	10 000 000,00			10 000 000,00

Всего 10000000,00 сум

Десять миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 3000000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

Руководитель заказчика

М.П.



Сафаров Суннатулла Сатторович

(подпись)

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика



Саидов Санжар Иброхимович

(подпись)

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ШАРТНОМА № 3

(Ичимлик сувини етказиб бериш, оқава сувларини қабул қилиш хизматлари ва туловни амалга ошириш бўйича)

Бухоро туман

“05” январ 2022 йил.

Бухоро вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси Бухоро туман филиали (кейинги ўринларда “Сувоқава” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиғи _____ бир томондан ва Бухоро туман Тиббиёт бирлашма (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) ўзининг низоми (ишончнома, буйруқ) асосида иш юритувчи раҳбари С.С.Сафаров, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузамиз.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Сувоқава” “Истеъмолчи” га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини узиммасига олади, Истеъмолчи томонидан оқава тармоғига ташланадиган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармоғидан сарф қилинган сув микдорига тенг қилиб қабул қилинади. “Истеъмолчи” уз урнида амалда қулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари бўйича “Сувоқава” га туловларни уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул қилиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (матн давомида «Қоидалар») ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора тадбирлари тугриғида”ги №5241 сонли Қарори ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Сувоқава»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи»ни шаҳар сув ва оқава сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармоғидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқава сувини қувурлар орқали қабул қилади. Коммунал тармоғидан фойдаланиш чегараси «Истеъмолчи»нинг шаҳар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармокка уланган жойигача бўлган узига тегишли ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда ҳалокатларни барча сув оқувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар сув ва оқава тармоғида зарурат тугилганида таъмирлаш, бошқа турдаги ишларни олиб бораётган ҳолларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огоҳлантириб, ичимлик сувини бериш ва оқава сувини қабул қилишни тўхтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вақтда туловни ва аванс туловини уз вақтида амалга оширмаса, шунингдек қарздорлик микдори шартнома умумий баҳосининг 10 фоизидан ошса сув таъминоти тўхтатилади.

2.1.5. Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва оқава сувларни узатиш тула ёки қисман тўхтатади:

- «Сувоқава» корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тўхтатилганда;
- Табiiй офатлар юз берганда (Форс мажор ҳолатлар руй берганда);
- Шаҳар сув тармоғида кучли ҳалокатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова қилинган «Истеъмолчи»нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойиҳасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради, улардан тугри, техник фойдаланиш ва сақланиши шартларига амал қилинишини талаб қилади.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичини, уларнинг муҳрини сақланишини ва бутунлигини МИБ ходими иштирокида кузатиб боради. Аниқланган камчиликлар юзасидан «Истеъмолчи»нинг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмолчи»га амал қилиш учун курсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юқорида курсатилган ҳужжатга қул қуйишдан бош тортса, бунда узининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда тақдим этиши шарт, у ҳолда бир томонлама тузилган далолатнома қонуний ҳисобланиб, мазкур ойда ҳисоб қитоб учун ҳисобхонага тулов ундиришга қабул қилинади. Агар қелгусида мавжуд қарздорлик туланмаганида, ҳужжатлар иқтисодий судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга асос бўлади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб, етказиб берилган сув ва курсатилган оқава хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тақдим этилган ҳисоботи юзасидан ҳисобхона тулови учун ҳужжатларни тақдим этади. Агар ҳисобот тақдим этиш жараёнида, унда ҳатоликлар аниқланиб, тузатиш киритилган ҳолдаги нусхаси қайтарилганида, Истеъмолчи томонидан мазкур узгартириш, тузатишлар юзасидан тузатилган ҳисоботларни 3 кунлик муҳлатда қайта тақдим этилиши шарт, акс ҳолда

бу тузатишлар билан топширилган ҳисобот асосли, ҳақиқий деб ҳисобланишига олиб келади ва ҳақиқатда фойдаланиш микдори учун тулов амалга оширилиши талаб қилинади.

2.1.9. «Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва оқава сувларни қабул қилиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни аниқ қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

2.2. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида у ўз қарори ва буйруғи билан ички сув етказиш тармоғига, сув улчагич асбобларига ва қорхонаси ҳисоботларига жавобгар шахсини тайинлаб, «Сувокава»га уларни тақдим этади.

2.2.2. Шаҳар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Сувокава»дан белгиланган тартиб асосида Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғининг ва узига тегишли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашиш лойиҳасини тақдим этади. «Истеъмолчи» шаҳар сув ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини ўз зиммасига олади.

2.2.3. Шаҳар сув тармоғига уланган ҳар бир қувурига сув улчаш йиғмаси (сув улчаш ва сув тутқич асбоби)ни Қоида асосида қулай ва химояланган жойда, урнатиладиган сув улчагич шартли утказмаси (калибри)нинг диаметри «Сувокава»нинг ҳисоб-китоби билан аниқланиб, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилгач, тегишли рухсатнома берилгач урнатади. Сув улчагич йиғмасини харид қилиш ва уни урнатиш билан боғлиқ барча сарф харажат «Истеъмолчи» зиммасига бўлиб, у сув улчагич қурилмаси, унинг техник соҳа ҳолати бўйича жавобгар ҳисобланади ва улчагични Давлат стандарти қуригидан утказиш сертификатини амал қилиш муддати утишидан 1 ой олдин бу ҳақда хабар беради, улчагични турига қараб Давлат стандарти қуригидан 2 йилда 1 марта ўз ҳисобидан утказиши шарт. «Истеъмолчи»га бу учун 1 ой муҳлат берилади, белгиланган муддат ичида қиёсловдан утказилмаган тақдирда сув сарфи шартномани 3.4 бандига асосан ҳисобланади.

2.2.4. Истеъмолчи сув улчагич йиғмасидаги муҳрларнинг сақланишини назорат қилади, муҳр бузилган ёки сув улчагич ишдан чиққан ҳолларда «Сувокава»га ўч қун давомида езма равишда хабар беришни ўз зиммасига олади. Хабар берилмаган тақдирда ёки «Сувокава» ходими томонидан бу ҳолат аниқланганида сув сарфи белгиланган тартиб асосида ҳисобланади (шартноманинг 3.4 банди). Сув улчаш асбобларини «Ўзстандарт» органлари ёки уларнинг ваколатли қорхоналари томонидан давлат қиёслов қуригидан утказилиши, таъмирланиши ва муҳрланишини ўз ҳисобидан амалга оширади. Сув улчаш асбобини таъмирлаш ёки алмаштириш, текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин «Сувокава»га хабар беради ва унинг вакили билан сув улчагични охириги курсатмаларни тасдиқлайди.

2.2.5. «Сувокава» ва МИБ вакилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини, сув тармоғини исталган пайтда бирор бир тускинликсиз қўздан кечиришни таъминлаши шарт.

2.2.6. Ўзига тегишли сув ва оқава сувларини узатиш тармоғи, иншоот-ускуналарнинг техник ҳолатини, фойдаланиш тартибини керакли равишда назорат қилади, ўз ҳудудида ичимлик сувининг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф қилиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.7. Шаҳар сув тармоғига ноқонуний улангани, фойдаланилаётган сув ускуналарининг носозлиги ва ўз ҳудудидаги ичимлик сувидан беҳисоб, тежамсиз сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва оқавадан фойдаланиш қоидалари» асосида жавоб беради.

2.2.8. Ўз ҳудудидаги сув тармоғи лойиҳасини узаришини, сув-Истеъмолчиларнинг уланиш истагини «Сувокава»га хабар беради, уларни алоҳида сув улчагич асбоблари урнатишини ва «Сувокава» билан тегишли шартнома тузишни талаб қилади.

2.2.9. Ҳар ойнинг 20-чи қунидан то 25-гача ҳисобот ойда сарфланган ичимлик суви бўйича ваколатли шахслар томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқлаган ҳисоботини «Сувокава»га топширади. Ҳисобот белгиланган муддатда топширилмаганида, шартноманинг 3.4 бандига асосан ва ёки ундаги маълумотлар қамайтириб қўрилган ҳолларда эса ичимлик сув сарфи ҳисобот даври учун шартноманинг 2.1.8-бандига асосан ҳисобланиб, туловга қабул қилинади.

2.2.10. Марказлашган иссиқ сув тармоғида сув ҳисоблагичи мавжуд Истеъмолчиларнинг оқава сув сарфи иссиқ сув улчагич қўрсаткичига қараб ҳисобланади, агар сув улчагич бўлмаган тақдирда 1.3 коэффициент асосида ҳисобланади.

III. ХИЗМАТ ҲАҚИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилдаги 5241 сонли Фармонида асосан, сув таъминоти ва оқава сувларини чиқариш хизмати қўрсатиш учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тулаш асосида амалга оширилиши талаб этилади. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида амалда бўлган 1-М³ ичимлик сувининг нархи _____ сум _____ тийин ва 1-М³ оқава сувларни қабул қилиш учун _____ сум _____ тийин белгиланди. Шу билан бирга 18.04.17 йилги №2900 сонли ПҚ, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 15.01.18 йилдаги 05/1-800-сонли топшириғи ва Бухоро вилоят ҳокимининг 26.02.2018 йилги №130 сонли Қарорига қўра, ҳар 1-М³ сув истеъмол ҳажмига қўшимча махсус устама ҳақ _____ сумлик тулови қўндирувга ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» мазкур харажат учун 20 _____ йилда бюджетдан ажратилиши қўзда тутилаётган шудавр доирасида белгиланган микдори _____ М³ ва ҳар 1-М³ сувни _____ сўм микдордаги ичимлик сув ва микдори _____ М³ ва 1-М³ _____ сўм микдордаги оқава сувларини узатиш хизматларини қабул қилиб, хизматлар қўрсатилгани учун туловга олдинги йил охирида пайдо бўлган қарздорлигини инобатга олган ҳолдажами _____ сўмлик ҳақни тулайди ва бундан ташқари мазкур шартнома имзоланганига қадар ҳосил бўлган

карздорлик туловини ҳам тулашни кузда тутати.

Ушбу шартномани кўйида келтирилган чораклик тахминий истеъмол ва тулов жадвалида белгиланган миқдордан ошкча ичимлик ва оқова сувлари сарф қилинса, у ҳолда бу узғаришлар қушимча шартнома билан тасдиқланиб, тулов амалга оширилади. Истеъмолчидан шартномада кузда тутилган миқдордан ошкча сарфи бўйича тулов, тасдиқланган жадвал асосида эмас, балки Истеъмолчининг сув улчагичидан амалда утган ичимлик суви миқдорида амалга оширилади (алоҳида жарима қилинган ҳолатларини истисно этган ҳолда). Йил якунида ортқича сарфга йўл қўйилса, у ҳолда бу қушимча шартнома асосида расмийлаштирилиши шарт ҳамдасарф қилинган ичимлик ва оқова сувлари учун амалдаги таърифни юқори миқдоридаги туловларни амалга ошириши лозим.

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 бюджет маблаглари ҳисобидан тулов	10 000 000	0,00	0,00	0,00	10 000 000
M³ миқдорида					

3.3. Сарфланган сув учун ҳисоб-китоб «Истеъмолчи»нинг сув улчагич курсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиққан бўлса, биринчи ой сарфланган сув миқдори охириги уч ой даврада булган уртача ойлик сарфи бўйича белгиланади. Агар бир ой давомидида «Истеъмолчи»нинг сув улчагич йиғмаларида носозлик еки муҳрнинг йўқлиги (бузилганлиги) бартараф қилинмаган бўлса, у ҳолда жорий ой ичимлик суви сарфи қувурнинг қесими бўйича кунлик сарф қобиляти асосида шартноманинг 3.4. банди асосида ҳисобланади.

3.4. Уланган қувурнинг қесими бўйича кунлик сув сарфи қўйидаги формула бўйича, яъни

$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$, асосида ҳисобланади, бунда-сув сарф миқдори, M – 060-062 га тенг булган зўлфин орқали сув сарфи коэффициент, F- қувурнинг қўндаланг қесим майдони (м²), 2g– 2х9.8 м/секундга тенг булган эркин тушиш тезлиги, H-сўв босими (м) сўв сарфи кунлик 24 соатда, t-вақт бўйича ҳисобланади.

3.5. «Сувокава» «Истеъмолчи»га етказилган ичимлик суви ва бошқа курсатилган хизматлари учун уни тақдим этган ҳисоботини қабул қилиш жараёнида, истеъмолчининг олдидан туланган тулови билан ҳисобот даври истеъмоли уртасидаги тулов тафовути бўйича тулов варақасини 3 кун муддат ичида қарз туловини амалга ошириш учун топширади. Шу билан бирга Истеъмолчи тулов жараёнида қелгуси ой даври учун ҳам ҳисобот оғи тулов миқдорида 100% олдидан тулов сифатида- аванс туловини ҳам амалга ошириши шарт. Қарздорлик мавжуд булган ҳолларда ҳар чорак, зарурият булганда, ҳар ой қарздорлик бўйича солиштирма далолатнома тузилади. «Истеъмолчи» уз вақтида сув сарфи учун берилган тулов варақаси еки солиштирма далолатнома асосида туловни пул утказиш йўли билан тулайди. Курсатилган муҳлатда пул утказилмаган тақдирда, ҳар бир туланмаган кун учун умумий қарзнинг 0,4% миқдорида жарима ундирилади.

3.6. «Истеъмолчи» томонидан туловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Қоидалар ва мазкур шартномада белгиланган тартибда эҳтиёж ва талабдан қелиб қикиб, сув таъминоти узиб қўйилиши мумкин. Сув етказиш «Истеъмолчи» томонидан қарздорлик ва марказий тизимдан узиш ҳамда қайта улаш харажатлари қўпланганидан сунг еки ёзма равишда қарзларни тўлашга қафолат (солиштирма далолатнома, суд қарори) берилганидан сунг қайта уланади. Шунингдек, истеъмолчи қарз ва аванс туловларини уз вақтида амалга оширмагани сабабли сув тармоғидан узиб қўйилиши билан бирга ПК, ПФ, Қоида ва Қонунлар талабига қура, қорхонамансабдор шахслари Республикада амалда булган энг қам иш ҳаққининг 10 баровари миқдорида жаримага тортилишади.

3.7. «Сувокава» билан шартнома тузган «Истеъмолчи»нинг ички сув тармоғига бошқа истеъмолчилар гуруҳига қарашли суб-Истеъмолчилар «Сувокава»нинг розилиги билан уланади ва шундай булган ҳолда, ушбу суб-Истеъмолчилар билан сув сарфи ҳисоб-китоб алоҳида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан еки сув ҳисоблагичдан ташқари уланганда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун тузилган далолатнома асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилинади ҳамда сув ва оқова учун зарар туловлари Қонуннинг 42-банди ва мазкур шартноманинг 3.4-бандига асосан амалдаги тарифлар асосида ҳисобланади.

4.2. Шартномага муддати тугаши еки умумий тулов миқдори борасида узғартириши қиритиш юзасидан «Истеъмолчи» 5 кунлик муддат ичида шартномага ўзғартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида мурожаат қилиши шарт ва бу ҳолат икки томонни узаро қушимча қелишув шартномаси имзолаши асосида қабул қилинган ҳисобланади. Акс ҳолда Истеъмолчи тармоқдан узиб қўйилади ва бу борадаги харажатлар қўпланиши талаб қилинади. Томонлар уртасидаги шартнома истеъмолчининг айби билан бекор қилинган тақдирда ҳам, улар қелтирилган зарар ва узаро қарздорлик тулови жавобгарлигидан озод қилмайди.

4.3. Томонлар уртасидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам, улар қелтирилган зарар ва узаро қарздорлик тулови жавобгарлигидан озод қилинмайди.

4.4. Шартноманинг бажарилишида ва шартномада акс этирилмаган масалаларни ҳал қилишда томонлар «Қоидалар»

асосида иш юригадилар.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома жорий йилгачун тузилган бўлиб, шартнома шартлари тулик бажарилгунга қадар бўл муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

5.2. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган ва томонларда сақланади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-мажор ҳолатларида.

VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан мазкур шартномамажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

VII. ХИСОБ-КИТОБ.

7.1. Сув улчагич ишлаганда сув ҳаражати миқдори сув улчагичнинг курсаткичига қараб ҳисобланади. Агар сув улчагич ишламаганда эса Қоидага қура бир ой муҳлатдан кейин кириш сув қувурининг диаметри билан 1,5 м/секунд тезликда 24 соат суткасида сув ҳаракатда бўлади деб ҳисобланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Аввало, низо ва келишмовчиликлар узаро келишув асосида хал этилиши лозим. Ақс ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 21.08.98 йилдаги "Хужалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа қонунлар асосида узаро хал қилинмаган низолар қонунчилида урнатилган тартибда суд тартибда хал қилинади.

IX. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

Бухоро Вилоят "Сувоқова" ДУҚ
Бухоро туман филиали
манзили: Гала Осиё шаҳар
тел\факс: 228-0295.
х\р: 22638000600309412322
Банк номи: АТИБ "Ипотека банк" Бух.вил.фил.
МФО: 00088, СТИР: 201513859, ОКОНХ: 90213

Рахбар:

(ф.и.ш.)

(имзо)



«Истеъмолчи»

Бухоро туман Тиббиёт бирлашма
манзили: Гала Осиё шаҳар Фитрат №17
тел\факс : 65) 54-25-903
ш\хв : 10002286006207703101054001
Бюджетдан маблағ олувчи
СТИРИ : 200868797 ОКОНХ : 91514
Ғазначилик бўлим номи: Бухоро тумани буйича
Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х\р: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент
МФО: 0014 СТИР: 201122919
Рахбар: (имзо) С.С. Сафаров
(ф.и.ш)

М.Ў.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi va Buxoro viloyat "Suvoqava" davlat unitar korxonasi Buxoro tuman filiali o'rtasida tuzilgan ichimlik suvini yetkazib berish, oqava suvlarini qabul qilish xizmatlari va to'lovni amalga oshirish to'g'risidagi 03-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 05-yanvar kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.O.Qosimov

2022-yil 05-yanvar